

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РУХИЙ САЛОМАТЛИК
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КЕВОРКОВА МАРИНА АНАТОЛЬЕВНА

**COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДАГИ НЕВРОТИК
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК-ДИНАМИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кеворкова Марина Анатольевна

COVID-19 пандемияси давридаги невротик
бузилишларнинг клиник-динамик хусусиятлари 3

Кеворкова Марина Анатольевна

Клинико-динамические особенности невротических
расстройств в период пандемии COVID-19 25

Kevorkova Marina Anatolyevna

Clinical and dynamic features of neurotic
disorders during the COVID-19 pandemic 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РУХИЙ САЛОМАТЛИК
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КЕВОРКОВА МАРИНА АНАТОЛЬЕВНА

**COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДАГИ НЕВРОТИК
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК-ДИНАМИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.18 – Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2824 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.narcomedcenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Магзумова Шахноза Шахзадэевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Васида Каримбековна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Имамов Акбар Ходжиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/15.12.2022.Tib.154.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ кунин соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 102147, Тошкент вил., Қибрай тумани, Салар қ. 1-уй. Тел: (078) 150-79-34, 150-78-95. Факс:150-78-94, e-mail: info@narcomedcenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 102147, Тошкент вил., Қибрай тумани, Салар қ. 1-уй. Тел.: (078) 150-79-34, 150-78-95. Факс:150-78-94, e-mail: info@narcomedcenter.uz

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ кунин тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

У.Х.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

И.И. Хайрединова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.Ш.Ашуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. COVID-19 пандемияси даврида кузатилган невротик бузилишлар hozirgi кунга қадар дунё бўйлаб рухий саломатликда жиддий муаммоларини келтириб чиқармоқда. ЖССТнинг 2023 йил 17 август маълумотларига кўра дунёда коронавирус инфекцияси қайд этилганлар сони 769 миллиондан ошган, ҳамда 6,9 миллиондан ортиқ бемор вафот этган. Биргина 2023 йилнинг ўзида ташкилотнинг олти минтақасида «...1,4 миллиондан ортиқ янги COVID-19 ва 2300 дан зиёд ўлим ҳолатларини қайд этди ва бу кўрсаткич аввалгиларга нисбатан мос равишда 63 фоизга ошганлиги» кузатилди¹. COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишларнинг клиникаси, кечиш динамикаси, ижтимоий-психологик таъсир килувчи омиллари, хавотирли ахборот манбалари, салбий фактларнинг такрорланиши, ортиб бораётган психологик босим, изоляция режими, санитария-гигиена талабларининг кенгайиши аҳолида рухий бузилишлар сонининг ошиши назарий ва амалий илмий изланишлар олиб боришнинг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда COVID-19 инфекциясидан сўнг кузатилган невротик бузилишларни таҳлил қилиш, клиник кечиш даражасини аниқлашга доир кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, COVID-19 пандемияси давридан кейин кузатилган невротик бузилишларнинг клиник, динамик жиҳатларини баҳолаш, конституционал-биологик, ижтимоий-психологик хусусиятларини, жумладан, невротик бузилишларни муваффақиятли бартараф этувчи омилларни таҳлил қилиш ҳамда коронавирус инқирози давридан сўнг юзага келган невротик бузилишли беморларга ёрдам кўрсатиш алгоритмининг такомиллаштириш ва прогнозлашнинг асосий мезон масалалари бўйича илмий тадқиқотларни устувор даражада амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...рухий ҳолат бузилишларини эрта аниқлаш, уларга ташхис қўйиш, рухий ҳолати бузилган шахсларни даволаш сифатини ошириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, COVID-19 инфекцияси натижасида юзага келган невротик бузилишларнинг даволаш тактикасини муқобиллаштиришни такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабр ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2023 й 17 август. For COVID-19 cases, hospitalizations and deaths at the global level.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 19.06.2023 йилдаги ПҚ-196-сон Аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 13 феврал ПҚ-4190-сон «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда 2023 йил 19 июн ПҚ-196-сон «Аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишлар бугунги кунда замонавий психиатрия амалиётида рухий бузилишларни эрта диагностика қилишнинг самарадор усуллари ишлаб чиқиш билан бир қаторда коронавирус инфекцияси натижасида юзага келган рухий бузилишли муаммоларни хал қилишдаги ёндашувларни ҳам қайта ишлаб чиқишга эътибор берилмоқда. Россиялик тадқиқотчиларнинг аксарият амалга оширган тадқиқотлари невротик бузилишларнинг кенг тарқалишининг муҳим сабабларидан бири уларнинг ижтимоий боғлиқлигига (Ю.А. Александровский ва ҳаммуаллифлари, 2001; Т.Б. Дмитриева, Б.С.Пологий, 2001; А.Б. Смулевич, 2001) қаратилгандир. COVID-19 пандемияси даврида кузатилган невротик бузилишлар (В. П. Морозов, 2020; С. А. Алтынбеков 2020) юқори невротизм даражаси бемор шахсининг умумий аҳолига нисбатан ажралиб турувчи зарурий, аммо ягона бўлмаганлигини кўрсатса, этиопатоген стресс омили ёки янги ижтимоий-иқтисодий (С.Н. Мосолов 2020; А.В. Васильева 2020; Ю. П. Сиволап 2021) шароитларга мослашиш билан боғлиқ ходисалар ўртасидаги аниқ сабаби аниқлаган.

Сўнги йилларда COVID-19 пандемияси даврида кузатилган рухий саломатликка таъсир кўлами бўйича бир қанча илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, нуфузли хорижий университетларда, жумладан, Paul Harrison (University of Oxford 2020), Michael Bloomfield (University College of London 2020), асаб тизимининг гематоэнцефалик барьеридан ўтиши, мия паренхимаси ва томирларини зарарланиши натижасида (Marion M. Oxford Population Health 2022) психоневрологик ва когнитив бузилишлар, аффектив, хулқ атвор ва бошқа бузилишларни келтириб чиқишини аниқлаганлар.

Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг аксарият илмий изланишларида пандемия давридаги невротик бузилишлар ижтимоий, психологик ва биологик омиллар эвазига келиб чиқиш ва ривожланиш модели кўрсатилган (У. Х. Алимов, 2020). COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишларнинг кечиши, келтириб чиқарувчи омилларини ўрганиш, клиник

патохарактерологик кўриниши, омилларни невротик бузилиши даражасига таъсири (Ш. Х. Султанов 2021; Н. И.Ходжаева, 2022; З. Ш. Ашуров, 2022), жумладан COVID-19 инфекцияси келтириб чиқарувчи невротик бузилишларга (М. Л. Аграновский, 2022 ва б.) қаратилган. Инфекциянинг организмга узок вақт таъсир этиши рухий бузилишларни келтириб чиқариши қисқа вақт ичида клиник-эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш рухий бузилишларнинг чегаравий касалликлар эканлиги аниқланган.

Дунёда COVID-19 инфекцияси келтириб чиқарган пандемия натижасида кузатилган невротик бузилишларни муваффақиятли бартараф этувчи омилларни, коронавирус инқирози даврида юзага келган невротик бузилишли беморларга ёрдам кўрсатиш тавсияларини такомиллаштиришга қаратилган, жумладан, невротик бузилишларнинг клиник патохарактерологик жихатлари, ижтимоий-психологик омилларини илмий асослашга қаратилган тадқиқотлар долзарб бўлиб, илмий-амалий, тиббий ва ижтимоий аҳамиятини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация олий таълим муассасаси Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режа №012300283 «Қарамлик ва рухий касалликлар профилактикаси, ташхислаш усуллари, прогноз ва даволаш мезонлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 ўтказгандан сўнг кузатиладиган невротик бузилишларнинг клиника ва динамикасини, конституционал-биологик, ижтимоий-психологик таъсир килувчи омилларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 пандемияси давридан сўнг кузатилган невротик бузилишларнинг клиникаси ва ҳосил бўлишининг динамик жихатларини баҳолаш;

коронавирус ўтказгандан сўнг невротик бузилишларнинг конституционал-биологик, ижтимоий-психологик омилларини аниқлаш;

SARS-CoV-2 вирусли инфекция ўтказган беморларда невротик бузилишларни муваффақиятли бартараф этувчи омилларни динамик кечишини таҳлил қилиш;

коронавирус инқирози давридан сўнг юзага келган невротик бузилишли беморларга ёрдам кўрсатиш алгоритминини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида №2 сонли Тошкент шаҳар психоневрологик диспансерида ва Тошкент шаҳар №5 сонли оилавий поликлиникада 2022-2024 йилларда COVID-19 инфекцияси ўтказган 204 та 21 ёшдан 59 ёшгача бўлган (меҳнатга лойқатли) беморлар жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини сифатида COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишлари бўлган беморларнинг ижтимоий-психологик, клиник-анамнестик, клиник-психопатологик хусусиятлари ва динамик хусусиятларидан ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, клиник-катамнестик, экспериментал-психологик, статистик, тиббий-статистик ва сўровнома усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишлардаги клиник патохарактерологик ўзгаришлар касалликнинг оғирлик даражаси ўзаро ижтимоий омилларга боғлиқлиги исботланган;

коронавирус пандемияси давридаги невротик бузилишлар шахснинг преморбид ривожланишига, чегаравий рухий бузилишларнинг наслий келиб чиқишига ҳамда анамнездаги невротик бузилишларга боғлиқлиги асосланган;

COVID-19 пандемияси давридаги салбий ахборот манбаларининг таъсири невротик бузилишларнинг оғир ва давомий, ўзгарувчан бўлиши аниқланган;

COVID-19 инфекциясидан сўнг чўзилган невротик бузилишларни олдини олишга қаратилган бирламчи тиббий ёрдам шароитида сифат скрининги ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиббий амалиётда COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишларнинг хронизациясини олдини олиш, касалликнинг кечиши турлари шахснинг преморбид шаклланганлиги, ижтимоий ахборот омилларини салбий таъсир этишини белгиловчи детерминантлар, касаллик ривожланиши ва кечишининг етакчи клиник-динамик хусусиятлари ҳамда уларни белгиловчи омиллар ўртасидаги алоқадорлик усулини қўллаш ишлаб чиқилган;

аҳоли ўртасидаги COVID-19 пандемияси натижасида юзага келган невротик бузишлар бўйича қўлланилган зарурий чора тадбирлар бемор рухий саломатлигини эрта баҳолаш, касаллик кечиши, динамик хусусиятини аниқлаш, шу билан биргаликда адекват ёндашув зарурлиги тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот натижаларининг замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотлар олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, қиёслаш гуруҳларининг мавжудлиги, умумклиник ва статистик тадқиқот усулларида асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, касалликни олиб боришнинг комплекс ва интегратив тамойилларига асосланган концептуал ёндашув ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, COVID-19дан кейинги невротик бузилишлар кузатилган беморларга бирламчи тиббий ёрдамни бошқариш бўйича услубий тавсиялар яратилганлиги ва олинган натижалар ишончлилигини билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишларнинг клиник-психологик хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни очиқ бериш, кейинчалик уларнинг шахс хусусиятлари билан корреляцияси қонуниятлари ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, ҳамда COVID-19

пандемияси давридаги невротик бузилишларнинг чўзилганлигини аниқлаш скрининги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID-19 ўтказган беморларда шаклланган невротик бузилишларни эрта ташхислаш ва даволашнинг оптимал муолажалари, шунингдек, скрининг тадбирларини ташкил этишни такомиллаштириш, касалликнинг чўзилган шаклда кечишини олдини олиш, даволаш-профилактика ёрдамини яхшилаш ҳамда амбулатор ва стационар шароитда умум соматик муассасаларда тиббий-профилактик хизмат сифати ва самарадорлигининг оширишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишларнинг клиник динамик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида: хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишлардаги клиник патохарактерологик ўзгаришлар касалликнинг оғирлик даражаси ўзаро ижтимоий омилларга боғлиқлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартда №03-24/288-т сон билан тасдиқланган “Методика ведение пациентов с невротическими расстройствами после перенесенного COVID-19 в условиях первичного звена” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Чирчиқ шаҳар Тошкент вилоят психоневрологик диспансери 15.07.2024 йил №68 сонли ҳамда Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази психиатрия хизмати бўйича Бухоро вилояти филиали 18.11.2024 йил №140-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрда №10/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 инфекцияси билан касалланиш жадаллигидаги изчил пасайиш маромининг бузилиши, касаллик сурункали тус олишига таъсир этувчи ижтимоий омилларни бартараф этишга қаратилган: оилавий поликлиника шароитида невротик бузилишларни эрта аниқлаш, уларни коррекция қилиш имконига эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 пандемиясидан сўнг шаклланган невротик бузилишлар эрта ташхислаш натижасида, тўғридан-тўғри касалликнинг оғирлик даражасига ўзаро боғлиқлиги ижтимоий омилларнинг кучайиши психологик жihatдан салбий таъсир этишлари билан тавсифланди ва Чирчиқ шаҳар Тошкент вилоят психоневрологик диспансери ҳамда Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази психиатрия хизмати бўйича Бухоро вилояти филиалида 194000 сўмни тежаш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: коронавирус пандемияси давридаги невротик бузилишлар шахсининг преморбид ривожланишига, чегаравий рухий бузилишларнинг наслий келиб чиқишига ҳамда анамнездаги невротик бузилишларга боғлиқлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартда №03-24/288-т сон билан тасдиқланган “Методика ведение

пациентов с невротическими расстройствами после перенесенного COVID-19 в условиях первичного звена” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Чирчиқ шаҳар Тошкент вилоят психоневрологик диспансери 15.07.2024 йил №68 сонли ҳамда Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази психиатрия хизмати бўйича Бухоро вилояти филиали 18.11.2024 йил №140-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрда №10/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* юқори хавф мавжуд бўлган чегаравий наслий касалликлари бўлган шахсларда ҳамда невротик бузилишларни ривожланишини эрта аниқлаш ва даволаш борасидаги тадбирлар тиббий-ижтимоий фаолиятга йўналтирилган ресурсларни инobatга олган холда 2020 йилда 270000 сўмдан 2022 йил касалланиш даражаси 120000 сўмга камайтирилди. *Иқтисодий янгилиги:* наслида чегаравий касалликлари бўлган беморларда шахснинг преморбид шаклланишини инobatга олган холда невротик бузилишларни эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган клиник-ижтимоий чора-тадбирлар натижасида 194000 сўмни тежаш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: COVID-19 пандемияси давридаги салбий ахборот манбаларининг таъсири невротик бузилишларнинг оғир ва давомий, ўзгарувчан бўлиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартда №03-24/288-t сон билан тасдиқланган “Методика ведение пациентов с невротическими расстройствами после перенесенного COVID-19 в условиях первичного звена” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Чирчиқ шаҳар Тошкент вилоят психоневрологик диспансери 15.07.2024 йил №68 сонли ҳамда Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази психиатрия хизмати бўйича Бухоро вилояти филиали 18.11.2024 йил №140-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрда №10/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* невротик бузилишларнинг оғирлашуви ҳамда касаллик динамикасининг прогнозини белгилашда салбий ахборот манбаларининг таъсири ва изоляциянинг кучайиши инobatга олинishi касалланиш даражаси 2020 йилда 270000 сўмдан 2022 йил касалланиш даражаси 120000 сўмга камайishi эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* невротик бузилишлар кузатилган шахсларда салбий ахборот манбалари, кучайтирилган изоляцияларнинг таъсири исботланган, невротик бузилишлар кузатилган беморларни олиб боришда ҳамда касаллик динамикасини прогнозини белгилашда касаллик оҳирлашувининг клиник-эпидемиологик белгиларини инobatга олган холдаги ёндашувга асосланган чора тадбирлар 2020 йилда 270000 сўмдан 2022 йил касалланиш даражаси 120000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: COVID-19 инфекциясидан сўнг чўзилган невротик бузилишларни олдини олишга қаратилган бирламчи тиббий ёрдам шароитида сифат скрининги ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт

кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартда №03-24/288-т сон билан тасдиқланган “Методика ведение пациентов с невротическими расстройствами после перенесенного COVID-19 в условиях первичного звена” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Чирчиқ шаҳар Тошкент вилоят психоневрологик диспансери 15.07.2024 йил №68 сонли ҳамда Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази психиатрия хизмати бўйича Бухоро вилояти филиали 18.11.2024 йил №140-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрда №10/29-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* невротик бузилишларнинг шаклланишига кўмаклашувчи, хавф омилларини эрта аниқлаш, касаллик кечишини белгиловчи ва касаллик чўзилишига таъсир кўрсатувчи биологик, ижтимоий-демографик, клиник-психологик детерминантлар скрининги асосида 2022 йил касалланиш даражаси 2020 йилда 270000 сўмдан 2022 йил касалланиш даражаси 120000 сўмга камайишига эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишлар бевосита тиббий харажатлар сарфи 194000 сўмга камайган. COVID-19 пандемияси давридаги невротик бузилишлар чўзилишини олдини олиш, ижтимоий омиллар таъсири, шахс хусусиятларининг сифат скрининги ишлаб чиқишга қаратилган биологик, ижтимоий-демографик, клиник-психологик детерминантларни аниқлаш борасидаги тадқиқотлар невротик бузилишлар чўзилишига қарши амалга ошириш зарур бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 7 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижасини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 5 та мақола, 1 та хорижий мақола, 1 та усулбуй тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, унинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот предмети ва объекти тавсифланади; диссертациянинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилади, илмий янгилик ва амалий аҳамияти очиб берилади, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий иш натижаларининг нашр этилганлиги ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шарҳи. ХКТ-10 да невротик бузилишлар, уларнинг аҳоли орасида намоён бўлиши ва тарқалиш даражаси**” деб номланган биринчи бобида муаммонинг ҳозирги ҳолатига бағишланган адабиётлар шарҳи берилган. Замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётлар танқидий таҳлил қилинган. COVID-19 ни бошдан кечирганларнинг руҳий бузилишларига бағишланган кўплаб тадқиқотларга қарамай, беморларнинг бир қисмида невротик бузилишларнинг пайдо бўлиши ва сурункали тус олиши, шунингдек, уларнинг клиник оқибатлари ва кечиши масалалари ҳамон ноаниқ ва баҳсли бўлиб қолмоқда. Ушбу тадқиқот айнан шу мавзуга бағишланган. Пандемия даврида невротик ҳолатларнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш COVID-19 билан касалланган шахсларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш бўйича профилактик чораларни ишлаб чиқишга кўмаклашиши мумкин.


Диссертациянинг “**Тадқиқот материаллари ва усуллари**” номли иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот дизайни, материаллари ва усуллари, шунингдек, тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш маълумотлари батафсил баён этилган. Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун COVID-19 ни бошидан кечирган 21 ёшдан 59 ёшгача бўлган (меҳнатга лаёқатли аҳоли) 204 нафар бемор (80 нафар эркак ва 124 нафар аёл) текширувдан ўтказилди. Беморларни тадқиқотга киритиш оддий тасодиқий танлов асосида амалга оширилди. Барча беморлар 2 гуруҳга тақсимланди: 1-гуруҳ – асосий гуруҳ, COVID-19 ни ўтказгандан сўнг невротик бузилишлар ривожланган ва руҳий саломатлик диспансерига малакали ёрдам сўраб мурожаат қилган беморлар (n=120) – 58,8%. 2-гуруҳ – назорат гуруҳи, COVID-19 ни ўтказган, аммо невротик бузилишлари бўлмаган, ёши ва жинси мос келувчи беморлар (n=84) - 41,2%.

Тадқиқот материалларини йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнида клиник-анамнестик, клиник-катамнестик, клиник-психопатологик усуллардан фойдаланилган. Экспериментал-психологик усуллар учта асосий параметрни - текширилувчиларнинг шахсий хусусиятларини (Леонгард-Шмишек сўровномаси, хавотирланиш (GAD-7) ва депрессив симптоматика (PHQ-9), хавотирланиш ва депрессиянинг госпиталь шкаласи HADS, шунингдек, Спилбергер-Ханиннинг шахсий ва вазиятли хавотирланиш шкаласи) ўрганишни ўз ичига олди.

Олинган маълумотлар Statistica version 13 (TIBCO Software Inc.2018) статистик дастурий пакети ёрдамида қайта ишланди. Маълумотлар тақсимотининг нормаллигини текшириш учун Колмогоров-Смирнов мезонидан фойдаланилди, сўнгра ANOVA дисперсион таҳлили ва Краскел-Уоллеснинг нопараметрик усули ўтказилди. Сифатли катталиклар учун статистик аҳамият χ^2 мезони ёрдамида ҳисобланди. Сифат белгилари мутлақ ва нисбий миқдорлар (% да ифодаланган улуш) ёрдамида тавсифланган. Статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар сифатида $p < 0,05$ ишончлилик даражаси қабул қилинди. Тадқиқот тўрт босқичда ўтказилди. 1-босқичда невротик бузилишлар ҳолатлари аниқланди, кейин клиник кўриниш ва шаклланишига ёрдам берадиган омиллар ўрганилди. Кейинчалик, аниқланган

беморларда 3, 6 ва 12 ойдан кейин клиник ҳолат динамикаси кузатилди, шунингдек, ушбу бузилишларни муваффақиятли енгишга ёрдам берадиган омиллар аниқланди. Бундай босқичма-босқич ёндашув комплекслик ва ишончлиликни таъминлади, олинган натижаларнинг ишончлилигини оширди ва COVID-19 пандемияси даврида юзага келган невротик касалликлар билан оғриган беморларга ёрдам кўрсатишни оптималлаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлди.

Диссертациянинг “COVID-19 пандемияси даврида невротик бузилишларнинг клиник хусусиятлари ва уларнинг шаклланиш омиллари” деб номланган учинчи боби тўртта бўлимдан иборат бўлиб, унда коронавирус инфекциясидан кейин невротик бузилишларнинг клиникасини ўрганиш, ўтказилган коронавирус инфекциясининг оғирлик даражаси ва невротик бузилишларнинг типологияси ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш, COVID-19 пандемияси даврида невротик бузилишларнинг шаклланишига хисса қўшадиган омилларни ўрганиш, шунингдек, дастлабки экспериментал-психологик текширувни ўз ичига олади.



1-расм. Асосий гуруҳ беморларининг клиник тақсимооти.


Учинчи бобнинг биринчи бўлимида I гуруҳ беморларида невротик бузилишларнинг клиник кўриниши тасвирланган. 1-расмдан кўриниб турибдики, тез-тез учрайдиган невротик бузилиш неврастения (35,8%), шунингдек, турли хил клиник радикаллар билан аралаш хавотирли ва депрессив бузилиш (20%) бўлиб, улар орасида тез-тез чарчоқ, асабийлашиш, диққатни жамлай олмаслик, тафсилотларга эътибор қарата олмаслик, тушқун кайфият, соғинч элементлари, ўзини айблаш ғоялари ва келажакка пессимистик қараш кўпроқ учрайди. Ва буларнинг барчаси ўз соғлиғи ва яқинларининг соғлиғи ҳақидаги доимий фикрлар ва кўрқувлар фониди.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими коронавирус инфекциясининг оғирлик даражаси, ўтказилган ва невротик бузилишларнинг турлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишга бағишланган. Коронавирус инфекциясининг энгил шаклини бошдан кечирган беморларда неврастения сезиларли даражада тез-тез ташхисланди – унинг ривожланиш хавфи 3,5 баравар юқори эди ($\chi^2(1)=9,888$; $p=0,002$; $OR=3,53$; 95% CI [1,63; 7,66]). Инфекциянинг ўртача

оғир кечишиа кўпроқ ривожланиш тенденцияси кузатилди – фобик хавотир бузилишлари ($\chi^2(1)=1,396$, $p=0,237$; $OR=1,95$; $95\% CI [0,77; 4,93]$) ва ТХБ ($p=0,122$; $OR=2,75$; $95\% CI [0,78, 9,73]$), бироқ статистик аҳамиятга эришилмади.

Коронавирус инфекциясининг оғир шакли ЖКСБ ривожланишининг юқори хавфи билан сезиларли даражада боғлиқ эди ($p=0,009$; $OR=11,16$; $95\% CI [2,33; 53,45]$) ва ВБ ($p=0,085$; $OR=5,61$; $95\% CI [1,01; 31,06]$). II гуруҳ респондентларида коронавирус инфекциясининг ўртача оғир шакли (42,68%) ва енгил шакли (41,28%) кўпроқ учради, аммо ушбу намунадаги коронавирус инфекциясининг барча оғир ҳолатларининг фоизи ҳам ушбу гуруҳга тўғри келади (30,77%) ($\chi^2=38,925$; $p=0,001$; $V=0,309$).

Учинчи бобнинг учинчи бўлимида пандемия даврида невротик бузилишларнинг шаклланишига олиб келувчи омиллар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.



2-расм. Ўтказилган COVID-19 нинг оғирлик даражасига қараб невротик бузилишлар турларининг тақсимланиши (коронавирус инфекциясининг оғирлик даражасига қараб турли невротик бузилишларнинг шаклланиши учун имкониятлар нисбати кўрсаткичлари)

Невротик бузилишларнинг клиник симптомокомплекси шаклланишида беморларнинг шахсий хусусиятлари муҳим роль ўйнайди. Имкониятлар нисбатини тасдиқловчи маълумотларга кўра, астеник конституцияда невротик бузилишларнинг шаклланиш хавфи 10 баравар ошади ($OR=0,10$; $95\% CI [0,03; 0,32]$), 7 марта психоастеник ($OR=0,14$; $95\% CI [0,04; 0,53]$) ва истерик акцентуацияда 5 марта ($OR=0,19$; $95\% CI [0,06; 0,60]$). Гармоник шахс типига эга беморлар I гуруҳда сезиларли даражада кам учради (43,3%) II гуруҳдаги 56,7% га қарши ($\chi^2(1N=204)=18,40$; $p<0,001$), бу ушбу шахс типининг сезиларли ҳимоя таъсирини таъкидлайди. Энг кучли ҳимоя алоқасини кўзгалувчан акцентуация кўрсатди, шунинг учун бизнинг танловимиздаги ушбу шахс типига эга беморларнинг 92,3% да невротик бузилишлар бўлмаган ($\chi^2(1N=204)=0,80$; $p=0,370$; $V=0,30$; $OR=23,80$; $95\% CI [4,32; 131,15]$).

I гуруҳда чегаравий руҳий бузилишлар бўйича ирсий мойиллик II гуруҳдаги 8,3% га нисбатан 19,2% да сезиларли даражада тез-тез учради ($\chi^2(3)=16,09$; $p=0,001$, $V=0,281$), бу ушбу омилнинг асосий гуруҳдаги беморларда невротик бузилишларнинг шаклланишига таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатади.

Ёндош соматик касалликларда гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланди ($\chi^2(9)=32,82$; $p<0,001$; $V=0,401$). I гуруҳда юрак-қон томир касалликлари сезиларли даражада тез-тез учрайди, бу эса невротик бузилишларнинг ривожланиш имкониятларининг 2 баравар ошишини кўрсатади ($\chi^2(1)=5,27$; $p=0,0217$; $OR=2,41$; 95% CI: [1,14; 5,12]), семизлик билан оғриган беморлар 3 бараварга ошди ($\chi^2(1)=3,25$; $p=0,0712$; $OR=2,86$; 95% CI: [0,91;8,94]).

Таълим даражаси тўғрисидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, олий маълумотли респондентлар мос равишда 30,8% ва 65,5% ни ташкил этди ($\chi^2(1)=23,95$; $p<0,001$ $OR=0,237$; 95% CI: [0,124; 0,443]). Ўрта махсус маълумот мос равишда 42,5% ва 21,4% ($\chi^2(1)=9,80$; $p=0,002$; $OR=2,697$; 95% CI: [1,382; 5,437]). Ўрта маълумотлилар мос равишда 26,7% ва 13,1 ($\chi^2(1)=5,47$; $p=0,019$; $OR=2,403$; 95% CI: 1,088; 5,669]). I гуруҳ респондентлари орасида моддий қийинчиликлар кўпроқ учради ($\chi^2(1)=9,17$; $p=0,002$, $V=0,212$), бу невротик бузилишларнинг ривожланиш эҳтимолини 2,5 баравар оширади ($OR=2,528$; 95% CI [1,417; 4,513]).

1-жадвал

Беморларни конституциявий-биологик омилларнинг таъсирига кўра тақсимлаш

	I гуруҳ (n=120)	II гуруҳ (n=84)	Жами (n=204)	Статистик натижалар
Характер акцентуация				
Уйғун	42 (35,00%)	55 (65,48%)	97 (47,55%)	$\chi^2(6) = 58,17$ $p < 0,001$ $V = 0,534$
Астеник	32 (26,67%)	3 (3,57%)	35 (17,16%)	
Истероид	20 (16,67%)	3 (3,57%)	23 (11,27%)	
Психастеник	18 (15,00%)	2 (2,38%)	20 (9,80%)	
Сиклоид	4 (3,33%)	5 (5,95%)	9 (4,41%)	
Беқарор	3 (2,50%)	2 (2,38%)	5 (2,45%)	
Эпилептоид (кўзгалувчи)	1 (0,83%)	14 (16,67%)	15 (7,35%)	
Руҳий касалликларнинг ирсий мойиллиги				
Эндоген касалликлар	10 (8,33%)	2 (2,38%)	12 (5,88%)	$\chi^2(3) = 16,09$ $p = 0,001$ $V = 0,281$
Чегаравий руҳий бузилишлар	23 (19,17%)	7 (8,33%)	30 (14,71%)	
Алкоголь ва бошқаларга қарамлик	13 (10,83%)	2 (2,38%)	15 (7,35%)	
Ирсият оғирлашмаган	74 (61,67%)	73 (86,90%)	147 (72,06%)	
Ҳамроҳ соматик касалликлар				
Семизлик	15 (12,50%)	4 (4,76%)	19 (9,31%)	$\chi^2(9) = 32,82$ $p < 0,001$ $V = 0,401$
Юрак-қон томир касалликлари	32 (26,67%)	11 (13,10%)	43 (21,08%)	
Эндокрин бузилишлар	14 (11,67%)	4 (4,76%)	18 (8,82%)	

Ошқозон-ичак касалликлари	8 (6,67%)	17 (20,24%)	25 (12,25%)
Сийдик-таносил тизими	6 (5,00%)	14 (16,67%)	20 (9,80%)
Мигрень	13 (10,83%)	6 (7,14%)	19 (9,31%)
Ўпка касалликлари	5 (4,17%)	2 (2,38%)	7 (3,43%)
Таянч-ҳаракат тизими касалликлари	8 (6,67%)	7 (8,33%)	15 (7,35%)
Остеохондроз	6 (5,00%)	12 (14,29%)	18 (8,82%)
Онкологик касалликлар	5 (4,17%)	5 (5,95%)	10 (4,90%)
Жарроҳлик аралашувини талаб қиладиган касалликлар	8 (6,67%)	2 (2,38%)	10 (4,90%)

Оилавий мақомнинг ўзи ($\chi^2(4)=0,27$; $p=0,992$; $V=0,036$) коронавирус инфекциясини бошдан кечиргандан кейин невротик бузилишларнинг ривожланишига таъсир қилмайди, оиладаги муносабатларнинг табиати эса невротик бузилишларнинг ривожланиши учун аҳамиятга эга ($\chi^2(3)=16,70$; $p=0,001$; $V=0,286$).

Маиший шароитлардан қониқиш II гуруҳда 85,7% ни, I гуруҳда эса 43,3% ни ташкил этди. Кўриниб турибдики, маиший шароитлардан қониқмаслик невротик бузилишларнинг ривожланишига таъсир қилади ($\chi^2(1)=35,48$; $p<0,001$; $OR=7,846$; 95% CI [3,858; 15,956]). Тадқиқот давомида ижтимоий изоляция невротик бузилишларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаши аниқланди. Шундай қилиб, бошқа давлатда яшаш невротик бузилишларнинг ривожланиш эҳтимолини деярли 18 бараварга оширади ($OR=17,75$; $p=0,048$). Шунга ўхшаш тенденциялар яқинлар билан юзма-юз мулоқотнинг йўқлигида кузатилади, бу ерда ($OR=11,90$; $p<0,001$) имкониятлар деярли 12 баравар ошиши билан боғлиқ ва руҳий саломатликни сақлаш учун шахслараро мулоқотнинг фундаментал аҳамиятини таъкидлайди. Оила аъзолари орасида COVID-19 дан ўлим даражаси ҳам невротик бузилишлар хавфининг ошиши билан сезиларли боғлиқликни кўрсатади ($OR=4,78$; $p<0,001$). Бу натижа нафақат яқин инсонни йўқотишнинг травматик таъсирини, балки пандемия шароитида қайғуни бошдан кечиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам акс эттиради. Ҳатто яқин бўлмаган одамлар билан мулоқотнинг яққол ҳимоя таъсири эътиборга лойиқ ($OR=0,04$; $p<0,001$), бу невротик бузилишларнинг ривожланиш эҳтимолини 96% га камайтиради. Ушбу кузатув пандемия шароитида ҳатто чекланган ижтимоий ўзаро таъсирларнинг терапевтик қийматини таъкидлайди ва гуруҳ терапияси элементлари билан психологик қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2-жадвал

Якуний моделдаги статистик аҳамиятли предикторлар логистик регрессия

Ўзгарувчи	Категория	OR	95% CI	p
Яшаш шароити	Қониқарсиз	12,21	[2,81; 53,03]	<0,001
	Ўлим ҳолатлари йўқ	0,18	[0,06; 0,56]	<0,001

Қариндошлар орасида ўлим ҳолатлари	Ўлим даражаси COVID-19	2,72	[0,84; 8,84]	<0,001
Шахсий акцентуация	Уйғун	3,03	[0,30; 30,11]	0,005
	Астеник	59,55	[4,25; 834,48]	0,013
	Истерик	90,15	[5,93; 1369,54]	0,005
Оилавий муносабатлар	Чўзилган	26,10	[1,05; 649,36]	0,003
Ирсийлик	оғирлашмаган	0,04	[0,005; 0,35]	0,001

Таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, яшаш шароитининг ноқулайлиги (OR=12,21; 95% CI: [2,81; 53,03]; p<0,001), коронавирус инфекциясидан ўлим (OR=2,72; 95% CI: [0,84;8,84]; p<0,001) невротик бузилишлар ривожланиш хавфини сезиларли даражада оширади. Оиладаги кескин муносабатлар невротик бузилишларнинг пайдо бўлиш хавфини 26 мартадан кўпроққа оширади (OR=26,10; 95% CI: [1,05;649,36]; p=0,003). Шахс акцентуациясининг невротик бузилишлар ривожланишига таъсири шуни кўрсатадики, гармоник шахсий тузилишга эга бўлган одамларда ҳам невротик бузилишларнинг ривожланиш хавфи уч барабар ортади (OR=3,03; 95% CI: [0,30; 30,11]; p=0,005), бироқ энг яққол салбий таъсир истерик (OR=90,15; 95% CI: [5,93-1369,54]; p=0,005) ва астеник (OR=59,55; 95% CI: [4,25; 834,48]; p=0,013) акцентуациялар кузатилди. Қариндошлар орасида йўқотишнинг йўқлиги (OR=0,18; 95% CI: [0,06; 0,56]; p<0,001) ва чегаравий рухий касалликлар бўйича ирсий омилларнинг мавжуд эмаслиги (OR=0,04; 95% CI: [0,005; 0,35]; p=0,001) каби факторлар муҳим ҳимоя вазифасини бажаради.

III бобнинг тўртинчи қисмида дастлабки экспериментал-психологик текширув натижалари келтирилган. I гуруҳда кўпроқ беморларда хавотир ва тушкунликнинг клиник жиҳатдан сезиларли белгилари кузатилган. PHQ-9 шкаласи бўйича 47,5% беморларда тушкунликнинг ўртача аломатлари, 40% беморларда эса GAD-7 шкаласи бўйича кучли хавотирланиш ҳолати аниқланган. HADS (хавотир) шкаласи натижаларига кўра, иштирокчиларнинг 86,7 фоизи кучли хавотирдан азият чекади, HADS (тушкунлик) шкаласи бўйича эса 33,3 фоизи чуқур тушкунлик ҳолатини бошдан кечирмоқда.

Вазиятли хавотирланишнинг юқори даражаси беморларнинг 69,2 фоизиди, шахсий хавотирланиш эса 81,7 фоизиди қайд этилган. II гуруҳда барча иштирокчиларнинг натижалари меъёр чегарасида. PHQ-9 шкаласи бўйича 100% синалувчиларда депрессия белгилари йўқ (0-4 балл), GAD-7 шкаласи бўйича 94% да хавотирланишнинг минимал даражаси қайд этилган. HADS (хавотир) ва HADS (депрессия) шкалалари бўйича барча иштирокчиларда натижалар меъёр чегарасида бўлди.

Диссертациянинг **“COVID-19 ўтказгандан кейин невротик бузилишлар динамикасини баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобида 3, 6


ва12 ойдан кейин невротик бузилишларнинг клиник кўринишлари динамикаси натижалари келтирилган.

Невротик касалликларнинг клиник кўринишлари динамикаси 3 ойдан кейин бузилишлар. Барча респондентларнинг 25% да амалий соғайиш кузатилди. ПР билан оғриган шахслар деярли соғайганлар гуруҳига тўлиқ кирди. Неврастениянинг учраш частотаси 26,7% да камайди, аралаш хавотирли ва депрессив бузилишлар 15,8% да сақланиб қолди. Фобик хавотирли бузилишлар 12,5% ҳолатда сақланиб қолди, ТХБ эса камроқ динамикага эга бўлиб, 8,3% ҳолатда сақланиб қолди. ЖКСБ ва ёпишқоқ фикрлар ва ҳаракатлар билан оғриган беморлар сони ҳам ўзгаришсиз қолди - мос равишда 6,7% ва 5,0% беморлар.

3-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳларда (n=204) хавотирланиш ва тушкунлик даражаларини PHQ-9, GAD-7, HADS ҳамда Спилбергер-Ханин шкалаларида таққослаш

Шкала	I гуруҳ (n = 120) Median (Q1, Q3)	II гуруҳ (n = 84) Median (Q1, Q3)	Умумий (n = 204) Median (Q1, Q3)	Статистик натижалар
PHQ-9	10,0 (7,0, 12,0)	1,0 (1,0, 2,0)	5,0 (1,0, 10,0)	H=150,956 p=0,000 $\epsilon^2=0,744$
GAD-7	12,0 (10,0, 15,0)	1,0 (1,0, 1,0)	8,0 (1,0, 14,0)	H=151,444 p=0,000 $\epsilon^2=0,746$
HADS (Хавотир);	13,0 (11,0, 15,0)	1,0 (1,0, 2,0)	11,0 (2,0, 13,0)	H=149,861 p=0,000 $\epsilon^2=0,738$
HADS (депрессия)	10,0 (8,0, 15,0)	1,0 (1,0, 2,0)	8,0 (2,0, 10,0)	H=144,303 p=0,000 $\epsilon^2=0,711$
Спилбергера-Ханина (ВХ) Шкаласи	49,0 (39,5, 52,0)	24,0 (20,0, 25,0)	35,0 (24,0, 50,0)	H=148,095 p=0,000 $\epsilon^2=0,730$
Спилбергера-Ханина (ШХ) Шкаласи	48,5 (46,0, 50,0)	21,0 (20,0, 25,0)	38,0 (22,0, 50,0)	H=149,088 p=0,000 $\epsilon^2=0,734$



3-расм. 3 ойдан сўнг невротик бузилишларнинг клиник намоён бўлиш динамикаси (n=120)

Невротик бузилишларнинг клиник кўринишлари динамикаси 6 ойдан кейин. Дастлабки текширувдан 6 ой ўтгач, I гуруҳ респондентларининг деярли соғайган иштирокчилари сони 53,3% га етди. Бу олдинги кўрсаткичдан 28,33% га юқори бўлиб, ижобий тикланиш жараёнидан далолат беради ($\chi^2(1)=64,00$; $p < 0,001$). Тарқалиши бўйича биринчи ўринда неврастения сақланиб қолди - 20,8% ($\chi^2(1)=6,86$; $p=0,009$). Аралаш хавотирли ва депрессив бузилиш 5,0% да ($\chi^2(1)=10,29$; $p = 0,001$), фобик хавотирли бузилишлар 10,8% да ($\chi^2(1)=1,47$; $p=0,225$), умумлашган хавотирли бузилиш 2,5% да ($\chi^2(1)=4,55$; $p=0,0330$) кузатилди. Паник бузилиш билан оғриган шахслар ҳам яхши натижа кўрсатиб, деярли соғайганлар гуруҳида қолди ($\chi^2(1)=8,00$; $p=0,005$).



4-расм. 6 ойдан сўнг невротик бузилишларнинг клиник намоён бўлиш динамикаси (n=120)


Невротик касалликларнинг клиник кўринишлари динамикаси 12 ойдан кейин бузилишлар. 5-расмдан кўриниб турибдики, дастлабки текширувдан бир йил ўтгач, невротик бузилишларнинг клиник кўринишида ижобий динамика қайд этилган. Амалий жиҳатдан тўлиқ соғайишга эришган иштирокчиларнинг улуши 102 кишини (85,00%) ташкил этди ($p=0,001$), бу бутун кузатув давридаги энг юқори кўрсаткич бўлиб, беморларнинг рухий ҳолати яхшиланганлигидан далолат беради. Неврастения ҳолатлари сони 8,33%, аралаш хавотирли ва депрессив бузилишлар – 1,67%, фобик хавотирли бузилишлар, аралаш васвасали фикрлар ва ҳаракатлар ва ТХБ 0,83%, ЖКСБ 2,50% гача камайди. ВБ билан оғриган беморлар деярли соғайганлар гуруҳида қолди.



5-расм. 12 ойдан сўнг невротик бузилишларнинг клиник намоён бўлиш динамикаси (n=120)

Турли хил невротик бузилишлар динамикасидаги ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ваҳима бузилиши бўлган беморлар тезда тузалишга моил (кузатувнинг 3-ойига келиб симптомларнинг тўлиқ камайиши билан).


Невротик бузилишларнинг қиёсий клиник-динамик баҳоси



6-расм. Бир йиллик кузатув давомида I гуруҳ респондентларида турли хилдаги невротик бузилишларнинг тарқалиш даражаси.

Аралаш хавотирли ва депрессив бузилишлар ва ТХБ тарқалиш динамикасини йил давомида таққослаганда, пасайиш тенденцияси аниқ кўринади. Фобик хавотир бузилишлари дастлабки олти ой давомида ўртача пасайиш (16,67% дан 10,83% гача) билан намоён бўлди, кейин эса 6-ойдан 12-ойгача кескин пасайиш кузатилди (10,83% дан 0,83% гача). ЖКСБ алоҳида шахсларда терапияга энг чидамли бўлиб чиқди ва 12 ойдан кейин ҳам 3 (2,50%) беморни ташкил этди. Шунини айтиш мумкинки, тикланиш жараёни аста-секин тезлашади: кузатув бошланганидан 3 ойгача бўлган даврда беморларнинг 25,00% соғайган, 3 ойдан 6 ойгача бу кўрсаткич 53,33% гача ошган ва 12-ойга келиб 85,00% га етган.

COVID-19 ни бошдан кечирган беморлардаги невротик бузилишларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш



ХУЛОСА

“COVID-19 пандемияси даврида невротик бузилишларнинг клиник-динамик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация иши бўйича олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Касалликни бошидан кечирган беморлар учун сурункали кечишга мойиллиги бўлган астено-хавотир синдроми (35,8%), адаптация бузилиши

билан хавотирли-депрессив синдром (24%), хавотирли-фобик синдром (20%), генерализацияланган хавотирли бузилиш (11%), ПТСР (8%), ваҳима (8%) ва обсессив-компульсив (6%) бузилишлар ривожланиши хосдир.

2. COVID-19 ўтказгандан сўнг невротик бузилишнинг сурункали шаклга ўтиш хавфи COVID-19 ўткир даврида астено-хавотирли, хавотирли-депрессив, хавотирли-фобик синдромлар ва генераллашган хавотирли бузилиш билан оғриган, анамнезида ўлимдан кўрқиш билан боғлиқ невротик бузилиш, паст ижтимоий мавқега эга, ижтимоий алоқалардан маҳрум бўлган беморларда ортади.

3. COVID-19 ўтказгандан сўнг невротик бузилишларнинг шаклланишига таъсир қилувчи омиллардан қуйидагилар аҳамиятга эга: преморбид астеник, психоастеник ва истерик шахс типи; чегара психик патологияси билан ирсий боғлиқлик; таълим даражасининг пастлиги, доимий иш жойининг йўқлиги, молиявий муаммолар, ишдан маҳрум бўлиш, одатий ижтимоий ҳаётни жорий этишнинг имкони йўқлиги, оммавий ахборот воситаларидаги ташвишли ва фожиали янгиликлар, ижтимоий изоляция режимининг жорий этилиши туфайли қариндошлар билан учрашишнинг имкони йўқлиги, изоляцияда қолиш эҳтимоли, оғир касаллик ёки яқинларининг ўлими ҳақидаги хабар; оиладаги муносабатларнинг нотўғри характери.

4. COVID-19 ўтказгандан сўнг невротик бузилишлар ривожланишининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар биринчи навбатда ижтимоий омилларга қаратилган бўлиши керак: расмий манбадан келиб чиққан ҳолда вирус тарқалиши ҳолати тўғрисида тўлиқ, ҳаққоний ва ўз вақтида хабардор қилиш, қариндошлар ва яқинлар билан мулоқот қилиш, иш ва даромад олиш имкониятини сақлаб қолиш, оилада дўстона муносабатларни сақлаб қолиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ПСИХИЧЕСКОГО
ЗДОРОВЬЯ ПОД НОМЕРОМ DSC.04/15.12.2022.Tib.154.01**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

КЕВОРКОВА МАРИНА АНАТОЛЬЕВНА

**КЛИНИКО-ДИНАМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ НЕВРОТИЧЕСКИХ
РАССТРОЙСТВ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ COVID-19**

14.00.18 – Психиатрия и наркология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2022.2.PhD/Tib2824

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.narcomedcenter.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Магзумова Шахноза Шахзадэевна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдуллаева Василя Каримбековна**
доктор медицинских наук, профессор

Имамов Акбар Ходжиевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Бухарский Государственный Медицинский
Институт имени Абу Али ибн Сино**

Защита диссертации состоится « _____ » _____ 2025 года в _____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/15.12. 2022.Tib.154.01 при Республиканском Специализированном Научно-Практическом Медицинском Центре Наркологии. Адрес: 102147, Ташкентская обл., Кибрайский район, село Салар. 1-дом. Тел: (078) 150-79-34, 150-78-95, Факс: 150-78-94

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра психического здоровья (зарегистрирован под № _____). Адрес: 102147, Ташкентская обл., Кибрайский район, село Салар. 1-дом. Тел/факс: (078) 150-79-34, Факс: 150-78-94

Автореферат диссертации разослан « _____ » _____ 2025 году
(реестр протокола рассылки № _____ от « _____ » _____ 2025 года)

У.Х.Алимов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

И.И.Хайрединова
Секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

З.Ш.Ашуров
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Респираторные инфекции, такие как SARS-CoV-2 по-прежнему оказывают значительное влияние на здоровье людей во всем мире. По состоянию на 17 августа 2023 года во всем мире было зарегистрировано более 769 миллионов подтвержденных случаев заболевания коронавирусной инфекцией и более 6,9 миллиона смертельных случаев. Только за последний 2023 год в шести регионах ВОЗ было «...зарегистрировано более 1,4 миллиона новых случаев заболевания COVID-19 и более 2300 случаев смерти, что на 63% больше с предыдущими показателями...»³. Накопление тревожной информации, постоянное освещение негативных фактов, усиление психологического давления, строгий режим изоляции и ужесточение санитарно-гигиенических норм значительно увеличили рост психических расстройств среди населения, что делает актуальным проведение научно-исследовательской работы, как в теоретическом, так и в практическом плане.

В связи с глобальным распространением коронавирусной инфекции по всему миру активно проводятся обширные научные исследования по анализу уровня заболеваемости, изучению клинико-динамических особенностей, а также разработку эффективных методов ранней диагностики, лечению и профилактических мер. В условиях стремительной глобализации, урбанизации и модернизации привели к значительному изменению в мировоззрении и образе жизни. Эти трансформации, наряду с усилением воздействия экономических, социальных, медицинских, психологических и демографических факторов, выдвинули на первый план проблемы сохранения психического здоровья. В этих условиях первоочередной задачей становится проведение научных исследований, направленных на разработку критериев диагностики и прогнозирования психических расстройств, после перенесенной коронавирусной инфекции, что требует реализации приоритетных научных исследований и практических мероприятий в данном направлении.

Реализация последовательных реформ в области здравоохранения нашей страны направлены на адаптацию к требованиям мировых стандартов, в том числе совершенствование службы охраны психического здоровья населения. В связи с этим определены такие задачи, как «...раннее выявление психических расстройств, их диагностика, повышение качества лечения лиц с психическими расстройствами...»⁴. Исходя из этих задач целесообразно проведение ряда научных исследований, в том числе с целью совершенствования альтернативной тактики лечения невротических расстройств, вызванных коронавирусной инфекцией.

³ Всемирная организация здравоохранения 17 августа 2023 For COVID-19 cases, hospitalizations and deaths at the global level:

⁴ Постановление Президента Республики Узбекистан, от 19.06.2023 г. № ПП-196 О мерах по дальнейшему развитию службы охраны психического здоровья населения

